

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53406-3.20.04**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340600 - "Молия"**

**бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Жамолов Х.,  
асс. Иминохунов А.

**Такризчилар:** проф. Маликов Т.,  
доц. Алиева Л.

"Бизнес ва бошқарув" соҳасининг "Молия" йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган ушбу дастурдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва уларни бошқариш юзасидан иқтисодий олий ўқув юртлири талабаларида етарлича кўникмаларни пайдо қилишдан иборат.

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимият органларининг иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги роли ортиб бормоқда ва уларнинг харажатларини самарали бошқаришни ташкил этиш учун юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Мазкур дастурда акс эттирилган масалалар бўлажак мутахассисларнинг ушбу йўналиш бўйича билим савиясини оширишга кўмаклашади.

Данная программа включает в себя изучение особенностей и закономерностей развития местных бюджетов в современных условиях и предназначена для студентов направления бакалавриата "Финансы" сферы "Бизнес и управление". В программе освещены сущность, функции и задачи, звенья, система доходов и расходов местных бюджетов Республики Узбекистан, которые отражают суть вопросов лекционных, практических (семинарских) занятий и тем самообразования. В программе приведена перечень литературы для изучения предмета на узбекском, русском и английском языках. К ней приложен список сайтов интернета и компьютерных учебных программ по соответствующим темам курса.

The main goal of this program is to provide necessary skills about formation and management of municipal finance for students of high economic schools.

Today the role of municipals is improving and its need high high qualified experts to effectively managing of expenditure. Therefore the questions given here help to specialists.

In Transaction period Budget System play a great role and portion of municipal budget is rising. These changes taking out in our country require good experts in municipal Budget sphere. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning municipal Budget.

The rate of given lectures stipulated by the program will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with municipal Finance.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### **Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши**

"Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш" фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган талабаларга Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг янги модели шаклланиши шароитида маҳаллий бюджетлар тараққиёти ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг ислохотлар чуқурлашуви давридаги молия ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан ўз предметини мукамал ўргатиш учун куйидагиларни ўрганиш вазифаларини кўяди:

- маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини;
- бюджет қурилиши ва бюджет тизимини;
- бюджет тизимини бошқаришнинг ташкилий асосларини;
- маҳаллий бюджетлар даромадлари тизими ва унинг манбаларини;
- маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибини;
- маҳаллий бюджетларда бюджет жараёни ва бюджет истикболини белгилаш асосларини;
- маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятлари тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва унинг омиллари ҳамда йулларини;
- иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат молиявий ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва ҳ.к.

"Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш" фани "Молия", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Иқтисодий назария", "Давлат молияси", "Чет мамлакатлар молияси" каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади.

Шу билан бирга "Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш" фани қатор махсус фанлар, жумладан, "Давлат бюджети", "Нобюджет фондлар", "Чет мамлакатлар молияси", "Корхоналар молияси", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Суғурта асослари", "Қимматли қоғозлар бозори" каби фанларни ҳам ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

**Олий таълим йўналиши ёки мутахассислиги давлат таълим стандартига (ДТСга) мувофиқ равишда ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларига талаблар**

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билимга, ўқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда бюджет-молиявий қонунчилик соҳасидаги, ҳудудлар миқёсидаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар бюджет амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил, маҳаллий бюджетларни режалаштириш усулларида фойдалана билишлари лозим.

"Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш" фанидан олинган билимлар талабаларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, бюджет амалиётига оид кундалик фаолиятда учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда маҳаллий молия муаммоларига доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида қўл келади.

**Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари бўйича талабалар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, реферат ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволларни бўйича талабалар мустақил равишда тўлиқ ўзлаштиришлари лозим.

**Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар**

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 162, шу жумладан 54 - маъруза, 54 - амалий машғулотлар ва 54 - мустақил таълим соатлари ажратилган. Ушбу фан бўйича дарсларни ташкил этиш VII ўқув семестрига мўлжалланган.

## **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлар давомида йиғилган баллар асосида аниқланади.

Фанни ўқитишнинг бир семестрида икки маротаба жорий (семинар машғулотларида), икки маротаба оралиқ (маъруза машғулотларида) ва бир маротаба якуний (ёзма иш баҳолаш усулида) амалга оширилади.

## **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланишнинг асосларини қуйидагилар исботлайди:

- тегишли ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш технологиясининг мавжудлиги;
- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига ўтказиш технологияси мавжудлиги;
- тест топшириқларининг инвариантлиги методологияси ва назариясидан фойдаланилиши;
- муаммоли усул ва ҳақиқатни иммитацион моделлаштириш асосларидан фойдаланилиши;
- таянч ибораларга асосланган ёзма иш орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши.

Бу фанни ўқитишда молияга тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ("Молия" АИЖ) дастури, низомлар ва молиявий лойиҳаларни баҳолашнинг ЮНИДО ва "Project expert" компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, таркатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

## **Ишчи дастурни тузишга оид услубий тавсиялар**

Мазкур фан "Молия", "Касб таълими" бакалавр таълим йўналишлари бўйича мутахассисларга тегишли тарзда 7-семестрда ўтилиши мўлжалланган.

Ушбу фан бўйича ишчи дастурлари тузишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Фан бўйича бакалаврият босқичининг тегишли йўналишлари учун тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ажратилган соатлар ҳисобга олиниши зарур;

- Ҳар бир мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда тегишли молиявий қонунчилик асосидаги янги талаб ва ўзгаришлар талабалар эътиборини этадиган тарзда берилиши керак;
- Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар ва саволлар ажратилиб кўрсатилиши зарур;
- Ишчи дастурда ўқитишнинг илғор технологиялари, дастурий таъминот имкониятлари ҳамда талабалар билими даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими талабларидан келиб чиқувчи вазифалар ҳам ёритилиши лозим.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **"Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш" фани бўйича ўқиладиган маъруза мавзулари**

#### **Фаннинг предмети ва мазмуни**

"Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш" фанининг предмети, мазмуни, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги. *Маҳаллий бюджетларнинг давлат молия сиёсатини ижро этишидаги ролини ошириш йўналишлари.*

#### **Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти, умумий молия муносабатлари таркибидаги ўрни ва аҳамияти. *Маҳаллий бюджетларнинг молия тизими бўғинлари билан муносабати.* Маҳаллий бюджетларнинг тақсимлаш ва назорат функциялари. Маҳаллий бюджетлар орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши.

#### **Маҳаллий бюджетларнинг ривожланиш стратегияси ва бюджет сиёсати**

Маҳаллий бюджетлар - давлат иқтисодий сиёсати қуролидир. Бюджет сиёсатининг стратегияси ва тактикаси. Мамлакат молиясини соғломлаштиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти. *Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётини, ижтимоий ва маданий соҳа ҳамда тармоқларини ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ва ўрни.*

#### **Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари ва уларни яхшилаш масалалари**

Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари тушунчаси. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларига таъсир этувчи омиллар. *Молиявий*

*имкониятларни оширишнинг аҳамияти ва манбалари. Маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини баҳолаш усуллари. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида маҳаллий бюджетларни барқарор даромад базаси билан таъминлашни мустаҳкамлаш ва унинг ечимлари.*

### **Маҳаллий бюджетлар тизими ва унинг бўғинлари**

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бюджети, уларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва турлари. Маҳаллий бюджетлар тизими ва унинг бўғинларига тавсиф. Маҳаллий бюджетлар турли бўғинлари фаолиятининг ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий асослари. *Маҳаллий бюджетлар тизими тараққиётининг қонуниятлари ва ҳозирги замон муаммолари.*

### **Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг моҳияти ҳамда тавсифи. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ортиши. Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқлари. Маҳаллий бюджетларнинг мажбуриятлари. *Маҳаллий бюджетлар фаолиятида бюджет қонунчилиги ва бюджет амалиётида ривожланган давлатлар ижобий тажрибаларини ўзлаштиришнинг аҳамияти.*

### **Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари**

Бириктирилган даромадларнинг моҳияти ва таркиби. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларининг жами даромадлар шаклланишидаги салмоғи. Бириктирилган даромадларнинг туркумланиши, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказилиш тартиби.

### **Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари**

Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадларининг моҳияти ва таркиби. Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадларининг жами даромадлар шаклланишидаги салмоғи. Тартибга солувчи даромадларнинг туркумланиши, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби. Бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар ўртасидаги нисбат.

### **Маҳаллий бюджетлар харажатлари тизими**

Маҳаллий бюджетлар харажатлари, уларнинг таркиби ва турлари. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг туркумланиши. *Давлат бюджети харажатлари тизимида маҳаллий бюджетлар улуши ва динамикаси.* Маҳаллий бюджетлар харажатларининг улар мажбуриятларига мос тарзда ўзгариши таҳлили. Маҳаллий

бюджетлар харажатларини оператив ва стратегик бошқариш асослари. Маҳаллий бюджетлар харажатларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 январ 2002 йилдаги "Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза этишнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури ҳақида"ги 33-сонли Қарорининг аҳамияти. *Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳозирги босқичида маҳаллий бюджетлар харажатларини тақсимлаш сиёсатининг аҳамияти ва вазифалари.* Маҳаллий бюджетлар харажатларининг ижроси юзасидан молиявий назорат зарурияти вазифалари ва усуллари.

### **Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш ва ижро этишни таъминлаш**

Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш зарурияти вазифалари ва усуллари. Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштиришнинг ҳозирги замон амалиёти таҳлили. *Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркиби ва гуруҳланишидаги ўзгаришлар таҳлили.* Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали ижроси ва уни таъминловчи омиллар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Молия Вазирлигининг буйруқлари ҳамда йўриқномаларида харажатларни режалаштириш меъёрий усулини такомиллаштиришнинг аҳамияти ва вазифаларининг ёритилиши.

### **Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштириш асослари**

Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштиришнинг аҳамияти, мазмуни ва вазифалари. Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштириш - мамлакат тараққиётини иқтисодий, ижтимоий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида. *Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштириш усуллари.*

### **Маҳаллий бюджетларда бюджет жараёнини ташкил этишнинг моҳияти ва босқичлари**

Бюджет жараёни тушунчаси. Маҳаллий бюджетларни режалаштириш босқичлари: бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Маҳаллий бюджетларда бюджет ижроси ва унинг натижалари юзасидан ҳисоботларни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. *Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида маҳаллий бюджетларда бюджет жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тизимининг такомиллашуви.* Ҳудудий иқтисодиёт муаммолари ва маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш муаммолари.



## **Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари**

Худудий иқтисодиётнинг ҳозирги замон муаммолари. Худудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви ва уларнинг маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими билан боғлиқлиги. Давлатнинг худудий иқтисодиётни бошқариш ва бюджет сиёсатининг яхлитлигини таъминлаш йўналишлари. *Маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг ҳозирги замон амалиёти таҳлили. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда худудий иқтисодиёт муаммоларидан келиб чиққан ҳолда табақалашган ёндошув зарурияти, мезонлари ва молиявий усуллари.*

### **Маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан молиявий назорат**

Маҳаллий бюджетлар ижросининг моҳияти ва аҳамияти. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ижроси ва унинг омиллари. *Маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлашнинг аҳамияти ва воситалари.* Маҳаллий бюджетлар ижроси юзасидан молиявий назорат зарурияти, вазифалари, шакллари ва усуллари. Молиявий-бюджет қонунчилиги такомиллашувининг ҳозирги босқичида маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан молиявий назорат усуллари такомиллаштириш масалалари.

## **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ, ЧИЗМА-ҲИСОБ ИШЛАРИ, КУРС ИШ(ЛОЙИҲА)ЛАРИ МАВЗУЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

### **Амалий (семинар) машғулотлари мавзулари рўйхати**

#### **Фаннинг предмети ва мазмуни**

Фаннинг предмети, мазмуни, вазифалари\*, бошқа фанлар билан алоқадорлиги\*. Фаннинг таркибий тузилиши ва асосий ғоялари.

#### **Маҳаллий бюджетнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

Маҳаллий бюджетнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти\*. Маҳаллий бюджетнинг тақсимлаш ва назорат функциялар. Маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатлари\*.

#### **Маҳаллий бюджетларнинг ривожланиш стратегияси ва бюджет сиёсати**

Маҳаллий бюджетлар - давлат иқтисодий сиёсати қуроли. Мамлакат молиясини соғломлаштиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти\*. Мустақил Ўзбекистон

иқтисодиётини, ижтимоий-маданий соҳа ва тармоқларини, ташқи муносабатларини амалга оширишда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ва ўрни.

### **Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари ва уларни яхшилаш масалалари**

Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларига таъсир этувчи омиллар\*. Маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини баҳолаш усуллари. Маҳаллий бюджетларни барқарор даромад базаси билан таъминлаш.

### **Маҳаллий бюджетлар тизими ва унинг бўғинлари**

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бюджети, уларнинг бюджет тизимидаги ўрни ва турлари\*. Маҳаллий бюджетлар тизими ва унинг бўғинларига тавсиф\*. Маҳаллий бюджетлар турли бўғинлари фаолиятининг ташкилий иқтисодий, ҳуқуқий асослари. Маҳаллий бюджетлар тизими тараққиётининг қонуниятлари ва ҳозирги замон муаммолари.

### **Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг моҳияти ва тавсифи\*. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ортиши. Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқлари. Маҳаллий бюджетларнинг мажбуриятлари\*. Маҳаллий бюджетлар фаолиятида бюджет қонунчилиги ва бюджет амалиётидаги тараққий этган давлатлар ижобий тажрибалари ўзлаштирилишининг аҳамияти.

### **Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари**

Бириктирилган даромадларнинг моҳияти ва таркиби\*. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларининг жами даромадлар шаклланишидаги улуши. Бириктирилган даромадларнинг туркумланиши, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказилиш тартиби\*.

### **Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари**

Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадларининг моҳияти ва таркиби\*. Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадларининг жами даромадлар шаклланишидаги улуши. Тартибга солувчи даромадларнинг туркумланиши, уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказилиш тартиби. Бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар ўртасидаги нисбат\*.

## **Маҳаллий бюджетлар харажатлари тизими**

Маҳаллий бюджетлар харажатлари, уларнинг таркиби ва турлари\*. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг туркумлаштирилиши. Давлат бюджети харажатлари тизимида маҳаллий бюджетлар улуши ва динамикаси. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг улар мажбуриятларига мос тарзда ўзгаришининг таҳлили. Маҳаллий бюджетлар харажатларини оператив ва стратегик бошқариш асослари. Маҳаллий бюджетлар харажатларини бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишлари\*. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 январ 2002 йилдаги "Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза этишининг 2002-2003 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури ҳақида"ги 33-сонли қарорининг аҳамияти. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳозирги босқичида маҳаллий бюджетлар харажатларини тақсимлаш сиёсатини аҳамияти ва вазифалари. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг ижроси юзасидан молиявий назоратнинг зарурлиги, вазифалари ва усуллари\*.

### **Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш ва ижро этишни таъминлаш**

Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштиришнинг зарурлиги, вазифалари ва усуллари\*. Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш ҳозирги замон амалиётининг таҳлили. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркиби ва гуруҳланишидаги ўзгаришларнинг таҳлили\*. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали ижроси ва уни таъминловчи омиллар\*. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Молия Вазирлигининг буйруқлари ҳамда йўриқномаларида харажатларни режалаштириш меъёрий усулини такомиллаштиришнинг аҳамияти ва вазифаларининг ёритилиши.

### **Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштириш асослари**

Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштиришнинг аҳамияти, мазмуни ва вазифалари\*. Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштириш - мамлакат тараққиётини иқтисодий, ижтимоий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида. Маҳаллий бюджетлар истикболини режалаштириш усуллари\*.

### **Маҳаллий бюджетларда бюджет жараёнини ташкил этишнинг моҳияти ва босқичлари**

Бюджет жараёни тушунчаси. Маҳаллий бюджетларни режалаштириш босқичлари: бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Маҳаллий бюджетларда бюджет ижроси ва унинг натижалари юзасидан ҳисоботларни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш\*. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида

маҳаллий бюджетларда бюджет жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тизимининг такомиллашуви. Худудий иқтисодиёт муаммолари ва маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш муаммолари\*.

### **Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетларни бошқариш тизимини мукамаллаштириш масалалари**

Худудий иқтисодиёт ҳозирги замон муаммоларининг аҳамияти ва омиллари. Худудий иқтисодиёт муаммоларининг кескинлашуви ва уларнинг маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими билан боғлиқлиги\*. Давлатнинг худудий иқтисодиётни бошқариш ва бюджет сиёсатининг яхлитлигини таъминлаш йўналишлари. Маҳаллий бюджетларни бошқариш ҳозирги замон амалиётининг таҳлили. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда худудий иқтисодиёт муаммоларидан келиб чиқиб табақаланган ҳолда ёндошувнинг зарурлиги, мезонлари ва молиявий усуллари\*.

### **Маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш юзасидан молиявий назорат**

Маҳаллий бюджетлар ижросининг моҳияти ва аҳамияти\*. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ижроси ва унинг омиллари. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг ижроси ва унинг омиллари. Маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлашнинг аҳамияти ва воситалари\*. Маҳаллий бюджетлар ижроси юзасидан молиявий назоратнинг зарурлиги, вазифалари, шакллари ва усуллари\*. Молиявий-бюджет қонунчилиги такомиллашувининг ҳозирги босқичида маҳаллий бюджетлар самарали ижросини таъминлаш юзасидан молиявий назоратнинг илғор усулларини ривожлантириш масалалари.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ**

Мавзуларни чуқур ўрганишда кўргазмали воситалар, слайдлардан, компьютер техникасидан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни, персонал компьютерда электрон таблицаларда excel 7,0 пакети билан ишлаш асосларини ўрганиб ўтқазил.

Персонал компьютерда "право" системаси билан ишлашни ўрганиш ва ўқиш жараёнида у билан фойдаланиш.

**Case Studies:** Ўзбекистон Республикасида худудлар молияси таҳлиliga доир ўқув мисоллари (рус тилида). Молия Вазирлиги хомийлигида "Бюджет-солик сиёсати" Маркази томонидан тузилган.

**Масофавий ўқитиш соатлари:** [www.google.ru](http://www.google.ru) (Россия Федерацияси менежмент ва бозор академияси "Молия менежменти илмий тадқиқот институти" дастурлари (муаллифлар раҳбари акад. Е.Стоянова)); [www.yandex.ru](http://www.yandex.ru); [www.rambler.ru](http://www.rambler.ru); [www.worldbank.org.ru](http://www.worldbank.org.ru); [www.imf.org](http://www.imf.org).

**Компакт диск:** Sales information. International Monetary Fund – Publication Services; Exchange Rate Analysis with a Case Study on Poland.

**Статистик тўпламлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисод ва статистика вазирлиги. Т.: 2000, 2001, 2002 й.
2. Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. ТАСИС. 2000, 2001, 2002 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Давлат бюджетининг ижроси юзасидан йиллик ҳисоботлари. Т.: 2000, 2001, 2002 й.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- фан бўйича кўргазмали қуроолларни тайёрлаш.

Таянч тушунчаларига асосланган "Ёзма иш" усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 фоиз "аъло";
- 71 - 85 фоиз "яхши";

- 55 - 70 фоиз "қоникарли";
- 55 фоиздан кам "қоникарсиз".

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси". Ўзбекистон Республикасининг № 396-1, 24.04.1997 й. Қонуни билан тасдиқланган.
2. "Ўзбекистон Республикасининг молиявий қонунлари", 2000 й. 1-12 сонлари, 2001 й. 1-12 сонлари ва иловалари, ва 2002 й. 1-6 сонлари ва иловалари. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти. Т.: 2000-2002.
3. Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Ўзбекистон Республиканинг иқтисодий ислохотлари. - М.: ТОО "Люкс-арт", 1998.
4. Бюджетная система Российской Федерации. Под ред. проф. М.В. Романовского и проф. О. В. Врублевской. - М.: Юрайт, 2000.
5. Бюджетная система Российской Федерации: Уч. под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской – 2-изд. - М.: Юрайт, 2000.
6. Бюджетная система Российской Федерации. Учеб. под ред. Г.Б.Поляка. – 2-изд. - М.: ЮНИТИ, 2001.
7. Бюджетный федерализм и межбюджетные отношения: проблемы и перспективы развития. – 2-изд. –С-Пб.: Кодекс INFO, 2001.
8. Верхолаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. – 2-изд. - Белград: Искра, 2000.
9. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. – 2-изд. - М.: Московский Центр Карнеги, 2001.
10. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – 2-изд. - М.: Дело ЛТД, 2001.
11. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. История развития и современное состояние межбюджетных отношений в России. – 2-изд. –Уфа: ГП "Принт", 2001.
12. Дробозина Л.А. Финансы. Уч. для ВУЗов. - М.: Банки и биржи, 2000.
13. Дж.К. Ван Хорн. Основы управления финансами. Под ред. проф. Соколова Я.В. - М.: Финансы и статистика, 1996.
14. Леткеман И. Совершенствование механизма государственного регулирования бюджетной системы // Рынок, деньги и кредит, 2001, № 7.
15. Финансы: Уч. для вузов. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской, Б.М. Сабанти. - М.: Юрайт, 2000.

## Кўшимча адабиётлар

1. Беляев Ю. А. Роль финансов в стабилизации Российской экономики // "Финансы", 1997, № 1.
2. Важнейшие задачи органов финансовой системы - финансы при переходе к рынку // "Финансы", 1997, № 6.
3. Герасименко Г.П., Маркарьян Э.А. Финансовый анализ. Учебное пособие 2-изд., - М.: ПРИОР, 2001.
4. Ларионов И.К. О некоторых вопросах социально-экономической стратегии и финансовой политики // "Финансы", 1997, № 6.
5. Лёвин А.П. Налогово-бюджетный потенциал регионов России. Проблемы и мнения / "Налоговый вестник", ГНС РФ, апрель, 1997.
6. Петров Ю. Оздоровление финансовой системы и нормативные методы государственного регулирования экономики // "Российский экономический журнал", 1997, № 3.
7. Пуртов В. А. Бюджет и налоговая служба // "Финансы", 1997, № 1.
8. Суник Б. В. Сфера культуры: местные бюджеты и финансирование // "Финансы", 1997, № 8.
9. Сумароков В.Н. Государственные финансы в системе макроэкономического регулирования, 2-изд., - М.: Финансы и статистика, 2001.
10. Boyd J. Inflation. "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996. Policy Research Working Paper 1575. The World Bank. Washington. D. C.
11. ABED transition Report 998. Financial sector in transition. European Bank for reconstruction and Development. London 1998.
12. Hermes N. Lesnik R. Financial System Development in Transition Economies. Journal of Banking and Finance. Vol. 24. pp. 507-524.
13. Moyer C. Financial System. Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbard Asymmetric information. Corporate Finance and investment. A National Bureau of Economic Research. 1990 Project Report, University of Chicago Press. Chicago. PP. 307-322.